

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:330.3:658:33М(575.1)

РУСТАМОВ АЛИШЕР РАХМАТАЛИЕВИЧ

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ МАҲСУЛОТ
ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ**

**5A230102– “Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги
бўйича**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.д., профессор Я.Алиев**

ТОШКЕНТ – 2020

Ушбу магистрлик диссертациясида иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат корхоналари фаолиятини диверсификациялаш орқали маҳсулот экспортини ошириш муаммолари буйича илмий асосланган фикрлар баён этилган. Тадқиқот мавзуси сифатида танлаб олинган муаммони атрофлича ўрганиш мақсадида ХСИ "PLUS PROMOTION" МЧЖ фаолияти ўрганилган. Тадқиқот мақсади ва белгилаб олинган вазифаларни амалга ошириш учун куйидагилар амалга оширилган: саноат корхоналари фаолиятини диверсификациялаш орқали маҳсулот экспортини оширишнинг назарий асослари ўрганилган; объект сифатида танлаб олинган корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган; саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг устувор йўналишлари. шунингдек саноат корхоналари фаолиятини диверсификациялаш асосида экспорт салоҳиятини ривожлантириш йўллари ўрганилган.

This master's dissertation contains scientifically based views on the problems of increasing exports through diversification of industrial enterprises in the context of modernization of the economy. In order to study in detail the problem selected as the subject of research, the activities of "PLUS PROMOTION" LLC were studied. In order to achieve the goals and objectives of the study, the following was done: the theoretical basis for increasing exports through diversification of industrial enterprises was studied; the production volume and economic indicators of the enterprise selected as the object are analyzed; priorities for modernization and diversification of production at industrial enterprises, as well as ways to develop export potential based on the diversification of industrial enterprises were studied.

Магистрлик диссертация иши "Тармоқлар иқтисодиёти" кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 5 - сонли баённома "08" 06 2020 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д., профессор Я.Алиев _____

Тақризчи: М.Султанов
ХСИ "PLUS PROMOTION" МЧЖ
бош директори

Магистр: А.Рустамов




"Ҳимояга рухсат этилади"

"Тармоқлар иқтисодиёти" кафедраси

муdiri доц. И.Хотамов _____

"10" "06" 2020 йил

Ҳимоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида
2020 йил "22" 06 соат "14"⁰⁰ да бўлади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ВА МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ...	12
1.1. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш тушунчаси, моҳияти ва иқтисодий аҳамияти.....	12
1.2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни амалга ошириш механизми ва усуллари.....	18
1.3. Мамлакатимиз саноат корхоналарида экспортни ривожлантиришнинг зарурлиги ва унинг ўзига хос жиҳатлари....	24
Биринчи боб бўйича қисқача хулосалар.....	30
II БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	32
2.1. Мамлакатимиз саноат корхоналарнинг экспорт фаолияти кўрсаткичлари таҳлили.....	32
2.2. ХСИ “PLUS PROMOTION” МЧЖ тавсифи ва ишлаб чиқариш фаолиятига оид иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	39
2.3. ХСИ “PLUS PROMOTION” МЧЖда ишлаб чиқариш маблағларидан фойдаланиш ва иқтисодий барқарорликка оид кўрсаткичлари таҳлили	45
Иккинчи боб бўйича қисқача хулосалар.....	51
III БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	53
3.1. Саноат корхоналарида диверсификациялаш жараёнини жадаллаштиришнинг устувор жиҳатлари.....	53
3.2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг асосий йўналишлари.....	57
3.3. Саноат корхоналари фаолиятини диверсификациялаш асосида экспорт салоҳиятини ривожлантириш истикболлари.....	61
Учинчи боб бўйича қисқача хулосалар.....	67
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	73

Кириш

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ишлаб чиқаришни диверсификациялашга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги, аҳолини иш ўринлари ва турмуш даражасининг юксалиши ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади.

Босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани ҳолисона баҳолашдан, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилишдан ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олдимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифаси турган эди. Шуларни инобатга олиб, 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармон имзоланди. Мазкур фармон бешта йўналишдан иборат бўлиб, “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилган. Шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий